

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил апрель ойининг 28 куни, соат 15:25да жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья М.А.Эргашев, судья ёрдамчиси У.Кудратовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пастдарғом туман прокурори ўринбосари А.Хўжамкулов, судланувчи Т.Рузиев ва унинг ҳимоячиси-адвокат Э.Урақовнинг иштирокида, судланувчи Рузиев Турдибек Бердиевичга оид №1-1413-2501/152-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Рузиев Турдибек Бердиевич, 1973 йил 29 сентябрь куни Пастдарғом туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, судланмаган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишламайди, Пастдарғом тумани, “Қорасув” маҳалласи, “Соилобод” қишлоғида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 15.03.2025 йил олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

АНИҚЛАДИ

Судланувчи Т.Рузиев 2021 йил май ойида ишлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасидан Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрига бориб, у ерда ишлаб келиши давомида, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўла туриб, низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси бўлмаса-да, низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамаса-да ва ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқларни бажариш ваколати берилмаган бўлса-да, 2024 йилнинг январь ойида Россия Федерациясида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан унинг Россия Федерациясида бўлиш қоидаларини бузганлиги аниқланиб, келгусида ўзига нисбатан қонуний чора кўрилмаслиги, Россия Федерацияси фуқаролигини олиш ҳамда бошқа ўзининг манфаатларини кўзлаб, Россия Федерацияси ва Украина давлати ўртасида бўлиб ўтаётган ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиш мақсадида, Россия Федерацияси қуролли кучлари сафига ҳарбий хизматига ёлланиб, Лелнинград вилояти, Выборгский район поселка каменка ҳудудида Украина давлатига қарши ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этиб, Лелнинград вилояти, Выборгский районида жойлашган жанг майдонида ҳарбий



истехкомлар (блиндаж) куриш ишларига жалб қилиниб, 2025 йил 10 январь куни “Гишт-кўприк” ХНЎП орқали Ўзбекистонга қайтиб келган.

Судланувчи Т.Рузиев суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган ўз кўрсатувида, 2010 йилдан ҳозирги кунга қадар Россия Федерациясига ишлаш мақсадида бориб ишлаб келиши, Россия Федерациясига бориб у ерда курилиш ишларида ишлагани, у ерда ишлаб юриши давомида рус миллатига мансуб “Анатоли” ва “Татияна” исмли шахслар билан танишиб қолгани, улар бир-бирларига қўшни бўлгани, уларнинг таклифига кўра ўша ердан ўзига бир хонали уй куриб ўша уйда яшаб ишларга бориб келадиган бўлгани, 2021 йил 1 май куни Самарқанд халқаро аэропорти орқали “Самарқанд-Москва” авиарейси билан Москва шаҳрига боргани, у ердан такси орқали Санкт-Петербург шаҳрига бориб, ўзининг танишлари “Анатоли” ва “Татияна” исмли шахсларнинг олдига бориб, ўзи куриб кетган уйда яшаб, маҳаллий аҳолининг хонадонлари ва дачаларида курилиш ишларида ишлаб юргани, у ерда икки йил давомида курилиш ишларида ишлаб юргани, 2024 йил 22 январь куни Гадчина туманидаги рус оиласига тегишли хонадонларнинг бирида ишлаб юрган вақтида шу тумanning 2 нафар милиция ходимлари ишлаб турган хонадонига келиб, уни сўроқ қилишиб, фуқаролик паспортини ва Россия Федерациясида яшаш гувоҳномасини сўрашганида, уларга ўзининг паспортини ва вақтинчалик Россия Федерациясида бўлиш гувоҳномасини тақдим қилгани, улар фуқаролик паспортини ва вақтинчалик Россия Федерациясида бўлиш гувоҳномасини олишиб, уни шахсий тинтув қилишгани, сўнг уни Россия Федерациясида бўлиш гувоҳномасини амал қилиш муддати ўтганлиги сабабли, ушбу давлатда ноқонуний яшаб келадиганлигини айтиб, туман милиция бўлимига олиб кетишгани, уни Гадчина туманидаги милиция бўлимига олиб бориб, вақтинча сақлаш ҳибсхонасига олиб бориб жойлаштиришгани, 2024 йил 22 март кунига қадар ушбу ҳибсхонада сақлашгани, жазони ўташи давомида милиция ходимлари у билан бир неча маротаба суҳбат ўтказишгани, унга катта миқдорда маош эвазига Россия Федерацияси Қуроли Кучларига ҳарбий хизматга кириб, Украина давлатига қарши ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишини, бунинг эвазига РФ фуқаролигини беришларини таклиф қилишгани, мажбурликдан ушбу таклифга рози бўлиб, бир йиллик ҳарбий хизмат шартномасига имзо чеккани, шундан сўнг, уни Лелнинград вилояти Выборгский район поселка Каменка ҳудудида жойлашган №52034-сонли ҳарбий қисмга олиб кетишгани, у ерда у бошланғич ҳарбий тайёргарликда ўтганидан сўнг, уни Озарбайжон, Қирғизистон, Арманистон ва бошқа давлат фуқаролари билан биргаликда ҳарбий қисмга олиб боришгани ва хизматни давом эттиргани, у дастлаб ҳарбий қисмда бошқа давлат фуқаролари билан бирга тахминан уч кун давомида нима иш қилишини билмай юргани, орадан уч тўрт кун ўтганидан сўнг, уларни ҳарбий қисмдан 2-3 км. узоқликдаги бир ўрмонга олиб боришгани, у ерда уларга вақтинчалик ер ости ҳимоя истехкомлари (блиндаж) куриш топшириғи берилгани, уларни ҳар куни эрталаб Каменка ҳудудида жойлашган №52034-сонли ҳарбий қисмдан олиб кетиб, ҳарбий қисмдан 2-3 километр



узоқликдаги ўрмонга ишга олиб бориб, кечга яна №52034-сонли ҳарбий қисмга қайтариб олиб келишгани, у ерда ер ости ҳимоя истеҳкомлари (блиндаж) қургани, 2024 йил июнь ойининг бошларида №52034-сонли ҳарбий қисм томонидан АС №5973541-сонли ҳарбий гувоҳнома беришгани, мазкур ҳарбий гувоҳномага “ўқчи” лавозими берилгани, 2024 йилнинг тахминан июль ойида унга шартнома имзолаганлиги учун 195.000 Россия рубли миқдорида ва 500.000 рубль миқдорида пул беришгани, шундан сўнг, унга ойлик маош белгиланиб, ҳар ойида 37.000 рубль маош беришни бошлагани, у ўша ердаги ҳарбий магазиндан ўзи учун жетон сотиб олгани ва ўша ердаги савдогар болага ҳарбий гувоҳномасини бериб, сотиб олган жетонига гувоҳнома рақамини ёздириб олгани, 2024 йил тахминан июль ойининг охирида ҳарбий қисм томонидан унга автомат калашников (АК74) қуролини беришгани, ушбу ҳарбий полигонда вақтинчалик ер ости ҳимоя истеҳкомлари (блиндаж) қуриш билан шуғуллангани, ишлаш даври мобайнида уни қорин оғриғи безовта қилиб тургани сабабли, 2024 йилнинг октябрь ойи охирларида ҳарбий қисмнинг тиббий бўлимига даволаниш учун ётқизишгани, орадан бир кун ўтиб Белгород шаҳридаги ҳарбий поликлиникага олиб боришгани, у жойда уни беш кун давомида тиббий текширувлардан ўтказишгани, у ерда уни даволай олишмаганидан сўнг, Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрига ҳарбий поликлиникага юборишгани, 2024 йил 14 декабрь кунига қадар тиббий текширувлардан ўтказиб, кейин даволаниши учун Краснадар вилоятидаги Аннополь шаҳрига ҳарбий санаторияга юборишгани, ўша жойда 2025 йил 1 январь кунига қадар даволангани, сўнг уни яна Каменка шаҳридаги №52034-сонли ҳарбий қисмнинг ҳарбий госпиталига боришини айтиб, йўлланма беришгани, лекин у шартномасини муддати тугашига оз муддат қолганлиги сабабли, Санкт-Петербург вилояти Ломоносов туманидаги олдин ишлаб яшаган жойига, яъни таниши “Анатолий” исмли шахсни олдида боргани, у “Анатолий”га ҳарбий гувоҳномаси, шартномаси, жетони ва бошқа ҳужжатларини бериб, Қозоғистон Республикаси орқали Тошкент вилоятининг Гишкўпирик чегара постига етиб келиб, у ердан Ўзбекистонга кириб келгани, 2025 йил 13 январь куни уйига ИИБ ходимлари келиб, маҳалла биносига олиб бориб, узоқ муддатга Россия Федерациясига бориб келганлиги юзасидан суҳбат ўтказишгани, сўнг Пастдарғом тумани ИИБга олиб боришиб, унга тегишли бўлган қора рангли “MEIZU” русумли уяли алоқа воситаси холислар ва мутахассис иштирокида кўздан кечирганида, ушбу телефонидаги “Whatsapp” мессенджери орқали Россия Федерацияси фуқароси бўлган таниши Татьяна Рустамовна исмли шахснинг +79119280559 рақамига расмийлаштирилган профили билан ўзаро ёзишмалари борлиги, улар орасида; унинг Контракт о прохождении военной службы (*Рузиев Турдимурот Бердимуродович*) РФ Қуролли кучлари билан тузган ҳарбий шартномаси расми тўрт варақда, ВС России МТ-879368 рақамли жетони расми, Военный билет №АС5973541 (*Рузиеву Турдимуроту Бердимуродовичу*) (уни РФ Мудофаа вазирлиги томонидан берилган ҳарбий гувоҳномасини расми, Выписка из приказа



командира войсковой части №52034 расми, Выписка из приказа расми, Требование на перевозку воинских пассажиров 0160055, 199383 расмлар мавжудлиги аниқлангани, кўздан кечириш жараёнида кўздан кечирилган барча саҳифалардан фотонусха (screenshot)лар олиниб, тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани, содир қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи Т.Рузиев суд терговда ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўргазма берган бўлса-да, унинг айби қуйидаги, яъни:

-судда сўралган гувоҳ Ш.Жаббаровнинг, 2025 йил 13 январь куни Пастдарғом тумани ИИБ биносига шахсий иши билан келган вақтида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ундан бир ҳолат юзасидан ҳолис фуқаро сифатида иштирок этиб беришини сўрашгани, бўш вақти бўлганлиги сабабли, уларнинг таклифига рози бўлгани, шундан сўнг, у билан яна бир ҳолис ҳамда ИИБ ходими билан бирга туман ИИБ биносининг 2-қаватида чиқишгани, у ерда ИИБ ходими Рузиев Турдибек Бердиевич ишлаш мақсадида Россия Федерациясига бориб, у ерда ишлаши давомида Россия-Украина давлатлари ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларга бориб қатнашганлик ҳолати бўйича Т.Рузиевга тегишли бўлган қора рангли “MEIZU” русумли телефон аппаратини кўздан кечиришини тушунтиргани, кўздан кечириш давомида Т.Рузиевга тегишли бўлган қора рангли “MEIZU” русумли телефон аппаратидаги “Whatsapp” мессенджерига кирилганда, +79812736662 рақамига расмийлаштирилган бўлиб, ушбу “Whatsapp” мессенджери орқали Россия Федерацияси фуқароси Татьяна Рустамовна исмли шахснинг +79119280559 рақамига расмийлаштирилган профили билан ўзаро ёзишмалари борлиги, улар орасида Контакт о прохождении военной службы (Рузиев Турдимурот Бердимуродович) Россия Федерацияси Қуролли кучлари билан тузган ҳарбий шартнома расми тўрт варақда, ВС России МТ-879368 рақамли жетоним расми, Военный билет №АС5973541 (Рузиеву Турдимуроту Бердимуродовичу) расми; Выписка из приказа командира войсковой части №52034 расми; Выписка из приказа расми; Требование на перевозку воинских пассажиров 0160055, 199383 расмлар мавжудлиги аниқлангани, кўздан кечириш жараёнида кўздан кечирилган барча саҳифалардан фотонусха (screenshot)лар олиниб, баённомага илова қилингани, ИИБ ходимлари томонидан ноқонуний хатта-ҳаракатлар қилинмагани, тузилган хужжатларга ўзи имзо қўйиб бергани ҳақидаги;

-гувоҳ Г.Рузиевнинг, судланувчи Рузиев Турдибек Бердиевич уни турмуш ўртоғи бўлиши, турмуш ўртоғи Т.Рузиев ишлаш мақсадида Россия Федерациясига бориб ишлаб пул топиб оласини боқиб келиши, турмуш ўртоғи сўнги маротаба Россия Федерациясига 2021 йил 1 май куни Самарқанд халқаро аэропорти орқали “Самарқанд-Москва” авиарейси билан Москва шаҳрига кетгани, у ерда маҳаллий аҳолининг хонадонлари ва дачаларида қурилиш ишларида ишлагани, 2024 йил 22 январь куни турмуш ўртоғига “Whats App” мессенджери орқали гаплашганида, вақтинчалик яшаш хужжатининг муддати ўтиб кетганлиги сабабли, милиция ходимлари олиб кетишганини айтгани,



бирок Россия Федерациясининг тарафидан жанг қилиш учун ҳарбий сифатида ёлланганини айтмагани, турмуш ўртоғи Т.Рузиев билан “Whats App” орқали кўришиб гаплашган вақтида, гоҳида хонанинг ичида ишлаб юрганлигини, гоҳида ўрмонларда ишлаб юрганлигини кўргани, аммо турмуш ўртоғи Т.Рузиевнинг ҳарбий либосда кўрмагани, 2025 йил 10 январь куни турмуш ўртоғи Т.Рузиев Россия Федерациясидан Ўзбекистонга қайтиб келгани, 2025 йил 13 январь куни уйига ИИБ ходимлари келиб, турмуш ўртоғи Т.Рузиевни маҳалла биносига олиб кетишгани, кечги вақт турмуш ўртоғи Т.Рузиев уйга келган вақтида нима сабабдан маҳаллага чақирганлигини сўраганида, узоқ муддатга Россия Федерациясига бориб келганлиги юзасидан суҳбат ўтказганлигини маълум қилгани ва бошқа гап айтмагани, уни турмуш ўртоғи Т.Рузиевнинг Россия Федерациясига ишлаш мақсадида бориб, у ерда Россия Федерацияси қуроли кучлар сафига кўшилганидан хабари бўлмаган ҳақидаги кўрсатувлари билан;

шунингдек, судланувчи Т.Рузиевнинг айби иш ҳужжатларида мавжуд суд терговидида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган уяли телефон апаратини кўздан кечириш ва олиб қўйиш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фото суратлар; Самарқанд вилоят ИИБ ЭКМнинг 03.02.2025 йилдаги 21-сонли суд-кимёвий экспертизаси хулосаси ва унга илова қилинган фото суратлар; кўздан кечириш жараёнидаги аниқланган материаллар ёзиб олинган 1 дона DVD диск, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари каби жиноят ишида мавжуд бошқа инкор этиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Т.Рузиевнинг ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланишда ифодаланган жиноий хатти-ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Т.Рузиевнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, уни айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятда содир қилгани жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Т.Рузиевга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, ЖКнинг 7, 8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принциплари, шунингдек Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги



қарорида берилган тушунтиришларга риоя қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиш билан бирга, айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани, оиласида ягона боқувчи экани, қарамоғида уч нафар фарзанди борлиги, оилавий шароити, шахси ҳамда жиноят содир қилгандан кейинги хулқ-атвори, яъни тергов ва судни чалғитмасдан тўғри кўрсатув бераётгани, жиноят очилишига фаол ёрдам берганини ҳисобга олиб, ушбу қилмишини енгиллаштирувчи ҳолатларни содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, уни хулқини назорат қилиш орқали ахлоқан тузатиш мумкин деган қатъий хулосага келиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазосини тайинлаб, иш жойига бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашни, шунингдек қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилишни;

-ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига мувофиқ, унинг зиммасига жазони ижро этиш органи томонидан тайинланаётган жазонинг ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва яшаб турган вилоят ҳудудини тарк этмасликдан иборат кўшимча тақиқлар (чеклашлар)ни, шунингдек ушбу модданинг 4-қисмига асосан, иш жойига бориш ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклаган ҳолда озодликни чеклаш жазо тайинланаётгани боис, ишга жойлашиш мажбуриятини юклашни;

-ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Самарқанд вилоят бўйича бошқармаси Тергов бўлимининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган бир дона қора рангли “MEIZU M10” русумли телефон аппаратини судланувчи Т.Рузиевга қайтаришни, шунингдек ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, жиноят иши ҳужжатларида сақланаётган 2 дона DVD дискларни жиноят иш ҳужжатлари билан бир сақлашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 462, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И

Судланувчи **Рузиев Турдибек Бердиевич** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Т.Рузиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 154-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш жойигача бориш ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтларда Пастдарғом тумани “Қорасув” маҳалласи “Соҳилобод” қишлоғида



жойлашган яшаш жойини чиқишдан чеклаган ҳолда, 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига асосан қуйидаги, яъни:

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар (тақиқлар) юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 4-қисмига асосан ишга жойлашиш мажбурияти юклатилсин.

Судланувчи Т.Рузиевнинг тақиқлар (чеклашлар) ва мажбуриятларга риоя этиши устидан назорат олиб бориш Пастдарғом туман ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати судланувчи Т.Рузиев Пастдарғом туман ИИБ Пробация бўлимида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг:

-судланувчи Т.Рузиевга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин;

-ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Самарқанд вилоят бўйича бошқармаси Тергов бўлимининг ашёвий далилларни сақлаш хонасида сақланаётган бир дона қора рангли “MEIZU M10” русумли телефон аппарати судланувчи Т.Рузиевга тегишли тартибда қайтарилсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган 2 дона DVD дисклар жиноят иши ҳужжатлари билан бир сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукмнинг нусхасини олган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья
“Аслига тўғри”**

Имзо

М.А.Эргашев

